

Хайриддин Султонов

**ҚУЁШ
БАРЧАГА
БАРОВАР**

Ҳикоялар

*Тошкент
Ғафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
1980*

ББК 84Ў3
С 96

С $\frac{70303-26}{M352(04)-80}$ 36—80 4702057020

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашри-
ёти, 1980 й.

МИРКАРИМ ЧОЛ

Ҳар шанба шаҳардан уйга қайтарканман, бу кўчадан ўтишга юрагим безиллаб туради—муюлишдаги кекса садақайрағоч тагида ўтган-кетганга зимдан назар солиб, одатдагидек, Миркарим бува ўтирган бўлади. Бирга келаётган ўртоқларим уни кўриб дарров аския бошлашади:

—Ана, Ҳамид, ўтирибди бобогинанг, сенга кўзи тўрт бўл-э-э-б...

— Ҳамидга худо берди, деяверларинг, чолнинг авзойи бузуқ!

Уларга қўшилиб куламану, аммо гапнинг очиги, юрагимнинг бир четига гашликми, қўрқувми—алланарса тушди.

—Хўп, бўлмаса...

Болалар билан хайрлашдим. Уларга яхшида: нариги маҳаллада туришади. Ён кўчага бурилиб кетишаркан, тегажаклик қилиб ортимдан қичқиришди:

—Бўпти, Ҳамид, агар омон қолсанг кинога чиқ кечқурун...

Кулдим. Нима, чол мени ермиди? Емасликка емайдику-я, лекин Миркарим бува гапирса одамнинг жон-жонидан ўтказиб юборади: тили аччиқ. Қўпчиликка, айниқса, биз қишлоқ студентларига унинг ҳамма нарсага

суқулавериши, ортиқча насиҳатгўйлиги жуда-ям ёқавермайди.

«Мундоқ бошқа чолларга ўхшаб, чойхонада тинчгина ўтирса бўлмасмикан», деб қўямиз баъзан нолиб.

Чолнинг қиёфасини кўрсангиз-кўрмасангиз, кинодаги Ялангтўшнинг ўзи дейсиз. Яқинда клубга шу фильм келган экан, чурвақа болакайлар Миркарим чолга дарров «Ялангтўш бува», деб от қўйиб олишибди. Буни эшитиб, биз ҳам дарров лабимизни бурдик: «Бе, Ялангтўш қаёқда-ю, бу майда сўз чол қаёқда!»

Ана, бугун ҳам Миркарим бува супасида савлат тўкиб ўтирибди. Эғнида ўша қишинёзин кўкси очиқ оқ яктак. Боядан бери мени ер остидан разм солиб кузатяпти шекилли.

Хиёл ҳадиксираб, портфелни чап қўлга олдим-да, секин яқинлашдим:

—Ассалому алайкум, бува.

Чол аста бошини кўтариб қаради.

— Ваалайкум.

Энди йўлимга кетаверсам бўлади, лекин Миркарим бува билан кўришмасдан ўтиш учун отнинг калласидай юрак керак. Ҳол-аҳвол сўраган бўлиб бир нималар дея мингилладим, аммо унинг синчков нигоҳи бошимдан оёғимгача таъқиб қилаётганини кўргач, дамим ичимга тушиб кетди.

—Ҳм, қайтдингми?—деди чол салмоқ билан.—Ҳа, тузук-тузук. Ўқиш қалай, ўқиш?

—Шукур худога...—дедим унга яхши кўришиш учун. Секин йўрғалаб қолишга уриндим.

—Шошма,—чолнинг паст, ҳорғин товуши жойимга михлаб қўйди. — Бу...сочингни олдириб юрсанг бўлмайдимми?

«Бошланди!» — дедим ўзимча.

—Сочим ўсмаган-ку...—бувага мунғайиб термиламан.

—Гапирма-е! Жамалак бўлиб елкангга тушибди-ю! Одам деган бундоқ сал турқ-тароватига қараб юради-да! Ё, шу...

У мени койишга тушиб кетди. Тавба, бу замонда одамга кўйлагининг кири оғирлик қилади-ю, бу чолники нимаси энди? Аммо ёқ этмайман. Негаки, Миркарим бува юрт устида юрган одам. Дадам шунақа деганлар.

—Чаккангдаги гажагингни қара!.. Худди Мулла Маҳаматнинг келинига ўхшайсан-а...

Ўзимни тутолмай кулиб юбордим. Чунки Мулла Маҳаматнинг келини азага бориб: «Йиғласам кўзимнинг сурмаси кетиб қолади», деган олифта бир жувон. Қишлоқнинг олди таннози. Агар бакенбардларим шу сатангнинг гажагига ўхшаса...

—Менга қара, нега бошингга дўппи киймайсан? А? Ор қиласанми? Ўзбекнинг боласимисан, ахир? Ия, чакишниям ўрганибсан-да? Ҳалитдан-а? Ё Тошкентда юриб шунақа таълим оляпсанми?

—Дўппини куёв бўлганимда киярман, ота, —деб илжайишга уриндим. Бироқ Миркарим бува тишининг оқини ҳам кўрсатмайди, бароқ қошлари остидаги кичик кўзлари у ёғимдан-бу ёғимга ўтиб кетгудек, тик қадалиб тураверди.

—Бундоқ одам бўлиб тўйга аралашманг! Маъракага юрмасанг! Қанақа йигитсан ўзи! Ман сани одам бўлгин, дейман. Қойисам, шунинг учун койийман. Хў, ҳали қуюлиб қолганингда эслаб юрарсан, Миркарим бувам шунақайди, деб...

Ҳар сафар нутқининг шу қисми мени жуда эзиб юборади: тишимни тишимга қўйиб зўрға чидадим.

«Миямни қўлимга қоқиб бериб, энди ялпизлашини! Қув-да, бу чол...»

—Йўғ-э, нимага хафа бўлар эканман. Майли-майли, айтганларингизнинг ҳаммасини қиламан...

Шу сингари сўзларни вагони билан қаторлаштириб, ундан узоқлашдим-да, елкамдан тоғ ағдарилгандек, енгил нафас олдим.

Миркарим буванинг фарзанди йўқ. Жиянининг бир қиз, бир ўғлини боқиб олган.

«Тўзим берсин ўшаларнинг бардошига,— деб ўйлайман йўлда кетатуриб. — Бечоралар, роса адабини берса керак...»

Кечқурун кўчага отландим. Дарвозадан чиқаётиб, бирдан юрагим увишди. Дўппи киймабман—тагин Миркарим бува чиқиб қолса-я? Секин изимга қайтдим. Кечаси соат бирда қайтиб келиб ухлашга ётдим, қани уйқу келса! Чолнинг гаплари энди таъсир қила бошлади. Жуда қизиқ одатлари бор-да ўзи.

Бир кун адвокат қўшнимиз Солижоновнинг қизи Умида булоққа, сувга кетаётган экан. Қаёқдандир лоп этиб Миркарим бува чиқиб қолибди. Умиданинг чиройликини кўйлаги чолнинг кўзига бир тутам бўлиб кўришибди, «Хув, турқинг қурсин!» деганча олдига солиб роса қувлабди. Бечора қиз челагини даранглатиб кўча ўртасига ташлаганча бизникига қочиб кирди. Ушанда чолнинг тили тиззасига тушгудек бўлиб югурганини кўрганимда, кўзимдан ёш чиққунча кулган эдим.

«Фарзанди йўқ, бемехр, гапираверди-да»,

—дея ўзимга ўзим тасалли бериб кўзим илинди.

Шаҳарга қайтишда дўппи кийиб кетдим. Шанба куни ё дўппи эсдан чиқади, ё... Хуллас, Миркарим бува яна бир айб топади-да, яна ҳаммаси бошдан бошланади. Аммо чолнинг бир тантилигига қойилман: ҳеч вақт одамнинг орқасидан гапирмайди—нима гапи бўлса, шартта юзингга айтади-қўяди.

...Қишлоқ гузарида автобусдан тушгач, сумкадан дўппини олиб кийдим, бармоғимдаги узукни чўнтакка бекитдим—энди Миркарим бува тугул, ундан каттасидан ҳам қўрқмайман!

Чолнинг дарвозаси олдида уймалашган одамлар кўринарди. Оҳ-ҳо, Миркарим бувам тўй-пўй бошлаворган шекилли. Яқинлашиб қарасам, ҳамма бел боғлаган, ичкарида йиғисиғи товуши... Юрагим ёмон бир нарсани сезган каби оёғимдан мадор қочди.

—Қим?—овозим ўзимга базўр эшитилди.

—Миркарим бува...

Тахта бўлиб қолдим. Аввалги шанба соппа-соғ эди-ку?! Гарансиб бирпас қаққайиб турдим. Нима қилиш керак? Уйга борай-чи...

Ойим уришиб бердилар:

—Тўғри ўтиб келавердингми?.. Ҳозир мазорга опчиқишади, бирга борсанг бўлмайди-ми? Уятмасми, кўздай жойда туриб? Фотиҳа лозим... Еш бола эмассан-ку!

— Мен қаёқдан билай...

—Билма, ишқилиб, сира билмай қолгинда! Қуруқ сўппайиб ўсавермай, мундоқ урф-одатниям билгин-да!

Яна Миркарим буваникига қайтиб бордим. Тобутни олиб чиқиб кетишибди. Ёним-

даги киши юзига фотиҳа тортаётиб, пичирлади:

—Гўри тўла нур бўлсин...

...Бу гапларга ҳам энди анча бўлиб қолди. Мана, ўқишни битирдим, ишляяпман. Миркарим бува айтганидек, «қуюлиб» қолганман. Студентликдаги олифтагарчиликлар қаёқда, ишим кўп—ҳафтада бир ойнага қарашга қўл тегса-тегади, бўлмаса—йўқ. Ҳозир жуда сипо тортиб қолганман. Юртнинг тўй-азасию, ҳашар-ҳушарига барабар аралашиб юрибман. Шаҳарда ўқиётган укамнинг юриш-туришига баъзан гашим келади. Индамайман. Гоҳ-гоҳ Миркарим бувани эслаб қўяман. «Миркарим буванинг фарзанди йўқ», деган гап ёлғон экан. Унинг қарчиғайдек Ҳасан-Ҳусан ўғли бир кунда фронтга отланиб, кичиги минг тўққиз юз қирқ учинчи йил қаҳратонида, каттаси эса ўша йилнинг саратонида ҳалок бўлган экан...

Ўша пайтда, биз ёшлар назарида Миркарим буванинг энг катта қусури—кексалик гуноҳи бўлиб туюлган нарсанинг аслида нима эканлигини мен энди англаб етдим: чол лоқайд эмас экан...

НОМУС

—Ба-а! Ба-а-а! Ум-ба-ба!..

Чўғи ўчиб қолган муздек танчада ёнбошлаган кўйи пинакка кетган чувак юз, малла ранг соқол-мўйлови анчадан бери кузалмаган ушоққина чол чўчиб кўзини очди. Бирпас гангиб ўтиргач, ҳовучини қулоғининг орқасига қўйиб, молхона тарафга аланглади.

—Ба-а! Ба-а-а! Ум-ба-а-а!..

Молхона тўридаги ёғоч қўрада уч-тўртта ориқ қўй оламини бузиб, бир-бирига гал бермай маърарди.

«Жониворлар оч ётибди-да,—дея ўйлади чол,—бу йил шўрликлар ҳам қийналиб кетди. Қишдан ўлай-ўлай деб чиқди-ю, ҳали оғзи кўкка теккани йўғ-а...»

У ўзича норизо гудунглаб, подачи Холтой чўтирни сўкди: «Аҳмоқ, бу тилсиз жониворларнинг уволи тутмайдими? Юртнинг берганига қаноат қилиб, боқавермайсанми подангни? Ҳе, нафсингга ўт тушмай кет! Бора-бора подачи ҳам арзанда бўлади шекилли. Мана, бир ҳафтадан буён пода чиқмайди. Аксига олиб, уйда на бир кафт ем, на бир боғ хашак қолган...»

—Ба-а! Ум-ба-а! Ба-а-а!!!

Бу чинқириқ чолнинг қулоқларига гўё

мих бўлиб санчилар эди. У атрофга бетоқат кўз югуртириб, ҳассасини қидирди. Ҳовлида ҳеч ким йўқ. Неваралари ҳам ўйнаб кўчага кетганми, бирортаси кўринмайди.

Чол ўтирган кўйи сирғала-сирғала танчадан чиқди (ўнг оёғининг тиззадан пасти йўқ эди), шу алфозда, ҳафсаласизлик билан наридан-бери кўкка бўялган қўпол эшикка қараб секин-секин сургала бошлади. Қўйлар, худди молхона томини кўчириб юборишга қасд қилган каби бараварига маърашарди.

Ошхона этагидаги ҳужрачанинг эшиги ғийқиллаб очилди-да, узун ҳаворанг кўйлагининг енглари тирсагигача шимарилган, қўллари хамир юқи, пакана, қора бир хотин айвонга чиқиб келди.

—Суннат! Ҳув Суннат! — деб қичқирди аёл қамиш бўғоти нурай бошлаган пастак пахса деворга яқинлашиб. Бирор жавоб эшитилмагач, ўзича гувраниб, кўчага чиқди.

Чол айвоннинг хомсувоқ деворига суяб қўйилган қўлтиқтаёғи билан ҳассасига таяниб, қаддини ростлади, сарпойчан чап оёғига калишини топиб илди. Битта-битта босиб, цемент зинадан тушаётганида ўн яшар нимжонгина невараси Фаттоҳ йиртиқ кеди кўтариб, ранг-қути ўчганча ҳовлига кириб келди. Унинг орқасидан фигони фалакка чиқиб, вайсаб-саннаётган онасининг сурони эшитилди:

—Ҳув, ўйин жонингни олсин, газанда! Бу ёқда шунча иш турибди-ю, сен думингни тутқазмайсан-а, яшшамагур! Қани унинг, қай гўрга гумдон бўлди тагин?

Фаттоҳ кўрқа-писа минғиллади:

—Мактабга кетиб қолди-ку, волейбол кўргани.

—Ху, кетмай балога йўлиқсин! Ҳали келар шўтга, бурнидан булоқ қилиб чиқармасам, шошмай тур! Бугун алапга бориш ҳам йўқ бўлдими энди?! Нима ейди бу зормандалар? Бор, томни қара, сочилган-почилган хашак бўлса супуриб туш...

Бола лабини буриб, тумшайди:

—Мактабда ҚВН бўлади-ку ҳозир...

— Ҳув, ўша кивининг ордона қолсин! Ерутгур, ўлдирдиларинг-ку одамни! «Кивин» деб биттанг кет, «коптоктепар» деб биттанг кет! Бу ёқда онанг шалтоққа қоришиб ётаверсин! Бор, анави овозинг ўчгурларга бир бало сол! Бор, деяпман санга!

Бола энди йиғламсиради.

—Ўқитувчи уришади...

—Э, ўлиб кетмайдими уришмаса! Бор, қара деяпман, қулоқ-мияни тешворди-ку! Бу тирикчилик ўлгур битта манга керак экан-да? Агар жуда шу Акромхўжанинг қизига байлаб берган бўлса ҳам! Зап чўрини топиб олгансан ҳамманг!..

Фаттоҳ жойидан жилмади-ю, бирдан айюҳаннос солди:

—Ув-в... Бор-мий-ма-а-ан!.. Опамиз уришади-и...

Онаси унинг қулоғидан чўзди:

—Сан жувонмарг кимга гап қайтаряпсан? А? Кимдан ўргандинг буни, бўйнинг узилгур? Қани, бундоқ тургин, ҳу, балога йўлиқ! Мана санга, мана санга!..

У хамир юқи қўли билан ўғлининг юзига аямай шарт-шурт шапалоқ тортди. Бола додлади. Чол ҳайҳайлаб келиб, неварасини ажратиб олди. Қелини ҳамон ғазабдан пишқирар эди:

—Бор бўлсанг тузук бўлгин, итвачча, бўл-маса биратўла йўқ бўлиб қўя қолгин, ҳадеб жонимга ўт қўявермай!

Унинг ола-кула кўзлари, гезарган лабла-рининг пириллаб учишини кўриб, гўё биров тишини суғуриб олаётгандек, чолнинг аъзойи бадани зирқираб кетди.

—Қўй, болам,—деди у паст, ялинчоқ то-вушда,—азонлаб норастанинг дилини сиёҳ қилма—ёмон бўлади.

Хотиннинг бурун катаклари керилиб, тук-сиз қошларининг ўртасида нўхатдай тугун пайдо бўлди.

—Э, сиз орага тушманг!—деди қўлини пахса қилиб. Авзойидан қайнатасини уриб юборгудек важоҳати бор эди.—Боламгаям га-пиролмайманми энди? Манави очофатларга бир бало бўлса, ўғлингиз сизга индамайди, ҳамма заҳрини манга сочади, билдингизми?!

Аёл шартта бурилиб, ҳужрачага жўнар-кан, чол унинг: «Жонимдан ҳам тўйдим, ўл-син мунақа тирикчилик, муштдайдан тош-дайигача хўжайин, кошки қўлидан бир тийин-лик иш келса...» деб тўнғиллаб кетаётганини эшитди-ю, лабини тишлади. Келини боядан бери қоронғи уйга қараб отаётган тошлар, ниҳоят, мўлжалга теккан эди. «Бу қандай хўрлик! Ҳалитдан шунақа бўлса... Худо кўр-сатмасину, эрта бир кун бошим ёстиққа тегиб, шифтга боқиб қолсам, оғзимга бир томчи сув томизадиган одам ҳам топилмас экан-да?!»

Чол пиқиллаб йиғлаётган неварасини ал-даб-сулдаб овутди-да, мактабга чиқариб юборди. Келинининг бояги гаплари мясида ҳамон заҳарли илонга ўхшаб ғимирлар эди. Бенхтиёр бадани қизиб, молхонага қараб сур-

галди. Қўйлар уни кўра қўра тўсиғига сапчиб баттар маърашга тушди. Омонатгина тахта полда чўзилиб ётган малла говмуш бошини кўтариб мунгли инграниб қўйди. Дув этиб пашша тўзиди. Девор тагидаги бурчакда шалпанг қулоқларини осилтириб турган қари эшак кўзлари ялтираб ҳиқиллади. Чол, туриб-туриб, молларига ачиниб кетди: «Кечадан бери тупроқ ялаб ётибди-я! Суннат даладан бир боғ-ярим боғ ўт келтириб турган эди, бугун у ҳам йўқ».

Тўсатдан чолнинг хаёлига ғалати фикр келди: далага ўзи борса-чи? Нима, ўлибдими, бирор боғлам ўт топиб келар, ахир? Ҳадеб, еб-ичиб, узун кекириб ётаверган билан иш битармиди? Зора, келинининг жағи, ўзининг қулоғи сал тинса... Бўлди, боради. Таваккал. Жуда бўлмаса, эшаги оёғининг чигилини ёзиб келади-ку.

Чол ғайрати қўзиб уйга кирди, бултур бошлатган бир пой маҳсисини кийиб чиқди. Охурда нишхўрд хас-чўпларга кўмилиб ётган эгар-тўқимни топиб, эшагини эгарлагунча қўйларнинг бақиригидан қулоғи том битиб қолаёзди. Нарвонга илиб қўйилган ўроқни олиб, эгар устидаги эски чопон тагига қистирди-да, эшакни етаклади.

Нон ясаб ўтирган келини ҳужра дарчасидан унинг қорасини кўриб ҳайрон бўлди, сўнг ўзича тусмоллади: суғориб келса керак...

Чол дарвозадан чиққач, эшакни етаклаб келиб баланд кулранг тош ёнига тақади. Бир қўли билан эгарга, иккинчиси билан эшакнинг бўйнига тирмашиб, амаллаб миниб олди-ю, қўлтиқтаёқ ва ҳассаси ерда қолиб кетди. Нима қиларини билмай, ҳардамхаёл гарангсиб

турган эди, муюлишдан темир ғилдирак ғилдиратиб, зувиллаганча бир қора бола ўтиб қолди. Чол қичқирди:

— Хув, Собирнинг ўғлимисан, баққа ке, манави ҳассамни олиб бер!

Орадан чорак соатлар ўтгач, баҳор қуёши қиздира бошлаган сертупроқ йўлда орқасидан енгил чанг булутини эргаштириб эшак текис йўрғалар, чол эса яғринини офтобга тутиб, мол боқиб, тўп тепиб юрган болаларнинг қий-чувига, оламни тириклик, яшариш нағмаларига тўлдирган қушларнинг мулойим вижир-вижирга қулоқ солганча хаёл суриб борар эди.

Одам кексайгандан кейин ёш болага ўхшаб қолар эканми, мана шу йилдан бошлаб, сал нарсани ҳам кўнгилга оладиган «тегма-нозик»ка айланди-қолди. Сўнгги пайтларда жанжал-можарога сира тоб-тоқати йўқ, келинини кўрганда юраги терак баргидек титрайди. Омон бўлгур келинининг жаҳли ҳам доим қош билан қовоқ ўртасида. Аслида, у бечорада ҳам айб йўқ. Қўлидаги шу қизчаси туғилгач, бир ёмон дардга чалиниб, салга жизгинаги чиқиб кетадиган бўлиб қолди. Ҳали ёшлиги бор-да, бу шаштидан тушиб ҳам қолар...

Одамзод ўзи шу: бир умр бировдан озор кўриб, бировга озор бериб, эртасига бутунлай эсингдан чиқариб юборасан. Гўё алланимадан қуруқ қолаётгандек, шоша-пиша, ҳеч нарсага парво қилмай, вақтни сомондек созуриб яшайсан. Босган қадамини қайтиб олишни мутлақо истамайдиган қайсар ҳўкизга ўхшаб, киприкдаги сўгалдек кўзингга туртиб турган хатоларингни ҳам тан олгинг келмайди. Кейин, бир пайт, бундоқ эс-ҳушингни жамлаб,

орқа-ўнгингни сал йиғиштиргач, дунёга тузук-роқ назар солиб: яшаш нимаю қадр-қиммат нима, одам-одамгарчиллик нима—энди англаб етадиган бўлганигда тўсатдан лоп этиб ўлиб қоласан...

Чол кафтини пешанасига қўйиб, олдинга тикилди: кун ёйилиб кетибди. У эшагини қис-тади.

Йўл ошиб ўтган тепаликнинг пастида одамлар сийрак ғивирлаб юрган боғлар бошланди. Тош, кесак билан номига девор айлан-тирилган боғ кўчалар оралаб ўтаркан, чол қиз сочидек тараб қўйилган ток новдаларига, яшнаб ётган олма-ўрикларга кўзи ёниб терми-лар эди.

Тўсатдан кимдир унинг отини айтиб чақир-гандек бўлди. Чол қайрилиб қаради-да, пас-так пахса девор оша мўралаб турган, кўк саллалли, сийрак соқол, қув башарага кўзи тушди.

—Ия!—деди у киши ялпоқ юзига кулги ёйилиб. Юмуқ ўнг кўзини негадир силаб қўй-ди.—Ҳа, тақсир, йўл бўлсин?

Чол уни таниди: Нишонхўжа.

—Шундоқ,—деди у дудмал қилиб,—бир айланиб...

—Айланиб денг? Ҳа, тузук. Ўзингиз қалай-сиз, сиҳатларингиз қандоқ энди? Рангингиз ан-чи тузугу, бурунгидан? Тинчликми, ишқилиб?

Чол ундан қутулиш учун ростига кўчиб қўя қолди:

—Молларнинг ўти қолмабди, шунга...

—Нима?!—соғ кўзининг пахтаси чиқиб ке-таёзган Нишонхўжа деворга тирсаклаб олди. —Ўтга кетяпман, дейсизми? Қанақа қилиб опкеласиз? Э, уриниб қоладиган бўпсиз-да,

биродар, чакки бу ишингиз, қайтинг ҳалиям, —у лабини ачинганнамо ялаб, бош чайқади. —Ўзингиз ҳам ҳеч тинмадингиз-тинмадингиз-да! Бу дунёнинг иши ўлганда битади. Тирикчилик—тирриқчилик дегандай... Лекин энди сизга уят, биродар, ҳа, уят. Ўзингиз яримжон бўлсангиз. Ахир, бундан буёқ оғиз билан иш битирадиган пайтингиз. Ташлаб қўйинг болачақага, керак бўлса қилиб олсин. Нима, сиз билан биз бу дунёни гўрга олиб кетармидик?

Чол тинимсиз шангиллаётган Нишонхўжадан қутулиш учун гапни қисқа қилди:

—Энди... ўғил-қиз ҳам ўз йўлига экан, мулла Нишон, қани, хих!

—Э, ана шунақа папалаб худо урдирворгансиз-да, болаларни! Мунча жуда! Болачақангиз мрамртош қўярмиди? Ўлганингизда: «Вой, отам», деб бир-икки соат йиғласа йиғлар, йиғламаса йўқ, ўзингизни ўйласангиз-чи! Ў, айтгандек, қани тушинг, чой қилиб берай?

Чол унинг гапига қулоқ солиб ўтирмай, эшагини халачўп билан ниқтади. Эшак қулогини чимириб, ёлғизоёқ йўлдан лўкиллаб кетди.

Чол Нишонхўжани ошкора ёмон кўрар, буни яшириб ўтирмас эди. Одамнинг бир кўнгли қолмасин экан. Бўлмаса, иккови деярли тенгқур, оталари ҳам қадимдан боғ қўшни эди. Бир майизни тенг бўлиб ейдиган қиёматли оғайни бўлмасалар-да, ҳар қалай, иккаласи ҳам шу кўчаларда тупроққа қорилиб, узум ўғирлаб, чуғурчиқ қўриб катта бўлишган, қирқ иккинчи йил кузагида, ноябрнинг заҳар томиб турган қора совуқ тонгида бричка аравага тушиб, фронтга ҳам бирга жўнашган эди.

Минг қилса ҳам уруш ўз оти билан урушда! Унинг ваҳшатиға кўниккунча бирга чўчиб, бирга қўрқиб юришди. Қўкрагида шернинг юраги бўлганида ҳам, инсон боласи барибир хавф-хатар қошида мудом ҳадиксирайди. Валломати ҳам дунёға икки марта келмайди-ку, ҳаммага ҳам жон ширин. Ўлим ёмон, аммо ундан ҳам ўлиш ёмон. Лекин бир бошга бир ўлимни тан олиб қўйиш—марднинг иши. Шундай пайтда юртнинг корига ярамаган одамнинг хоҳ тиригию, хоҳ ўлиги...

Нишонхўжа ана шунақа имонини ютган ҳезалак чиқиб қолди. Бир кечада барчанин оғзига оҳак суриб, панд бериб кетди: Олмаотада эрта-индин фронтга жўнашга шайланишаётган эди. Бир куни саҳарда Нишонхўжани кўриб, капалаги учиб кетди: иккала кўзининг жияклари ағдарилган, авра-астари қип-қизил қонталаш!..

Тушдан кейин ҳарбий комиссия Нишонхўжани хизматга яроқсиз топиб, уйига қайтариб юбориш ҳақида буйруқ чиқарди. Хайрлаша туриб Нишонхўжа сирини секин ошкор қилди: қаёқдандир уч-тўртта қалампир топиб, тун бўйи кўзини ишқалаб чиққан экан.

Дунёда маккор, устомон одамнинг хили кўп, аммо у салкам ўттизга кириб, ҳали бунақасини кўрмаган эди—ҳайратдан донг қотди. «Туф бетингга!» деди ичида. Овоз чиқариб айтмади. Уша пайтларда айтолмас ҳам эди. Кейинчалик ўзбек ҳамюртлари: «Қани оғайнингиз?» дея сўраб-суриштирганларида: «Ўлди»,—деб қўя қолди.

Дарҳақиқат, Нишонхўжа энди шу кундан эътиборан унинг учун ўлган эди...

Қирқ йил қирғиннинг ичида юриб ҳам ажали етмаса одам ўлмас экан. Умри узоқ эканми, туз-насиба тортибми, бир оёқда бўлса ҳамки, қайтиб келди. Қайтиб келиб қараса—ўша-ўша Нишонхўжа; гузарда ўнг кўзини исқирт қийиқ билан танғиб, носвой сотиб ўтирибди. Ҳар кимнинг нияти—йўлдоши: қалампир қил томирларини куйдириб юборган экан, бир кўзи оқиб тушиб, кўр бўлиб қолибди. Бу гапни эшитиб ҳам, негадир, кўнглида бирор нима қилт этганини сезмади.

Ҳаёт ўз фарзандларини: «Сен гуноҳкорсану, сен фариштасан», деб ажратиб ўтирмай, барчага баб-баравар ризқ-рўз улашаверар экан. Мана, бугун Нишонхўжанинг ишлари жойида. Эрталаб мол бозорда, тушгача наमत бозорда даллоллик қилиб, «ҳожат чиқаради». Олди-соттисини тамомлагач, кечқурунлари мачитга чиқиб, мўмин-мусулмонлар билан охират ишларидан сўзлашиб ўтиради. Жума кунлари ўғлига олиб берган ялтироқ машинасида шаҳарга тушиб, Хаста Имомда намоз ўқиб қайтади. Мундоқ бир мард йўқки, чиқиб: «Ҳой, сен ўзинг нима эдингу сени ўқиган намознинг нима бўлар эди?!» деса!

Илонизи сўқмоқ йўл адирни ёнбошлаб, нишабликка қараб оға бошлади. Эшак тўсатдан оёқ остида ётган чойнакдай япасқи қизғиш тошга қоқилди-да, мункиб кетди. Чол дарров гавдасини орқага ташлаб, икки қўллаб эгар қошига ёпишди. У ташвиш тўла нигоҳи билан олдинга, кимсасиз далага тикилди. Қайтишда яна бояги «Мулойим супурги»нинг боғи олдидан ўтиш керак. Бу ўша—ўзи билган Нишонхўжа бўлса, ҳойнаҳой, ҳали томошасини кўриб: «Улар оқ кунингдан», де-

йиш учуноқ йўлини пойлаб ўтирса керак. Иш-қилиб, дўст-душманга шарманда қилмасни-да...

Чол яна Холтой чўтирни эслаб ич-ичидан ранжиди: «Юки енгил эшак ётагон бўлади», деб бурунгилар хўп топиб айтган экан-да. Тай-ёр юз эллик сўм ойлиги, тагида булутдек оти билан ҳам пода ҳайдаш малол кеп қопти. Ҳай, майли, яхшиликка кўринсину, одамлар кўрган кунини унутиб, ношукур бўлиб кетяпти-да... Бўлмаса, вақтида шу Холтой подачилар ҳам туянинг кўзидек битта куюк кулчага юзини қора қилиб, қишин-ёзин яланг оёқ, ким кўринганинг молини боқиб, даладан бери келмас эди...»

Эшак кўм-кўк майсалар орасида қовжираб ётган бултурги янтоқларни босиб-янчганча бир тегирмон сув айқириб оқаётган тўқай ёқалаб, тик сўқмоқдан пастга туша бошлади. Чол тўхташга қарор қилиб, жиловни тортди. Қалта думига дарҳол аллақадан чакамуғ ёпиштириб олган эшак ютоқиб ўзини ўтга урди.

Этаги яккам-дуккам, сийрак буталар шумшайиб ўсган пастқамликдаги жарга бориб туташувчи сойнинг ёнбошида бош тортиб қолган жавдар, бурчоқ, ёввойи беда, ёвшан қулф уриб ётарди.

«Бу йил далада ўт яхши битибди,—теваракка кўз солиб, хурсанд ўйлади чол.—Ҳавасга ўрсанг бўлади-я...»

Боя эшакка минини ҳам ҳолва экан—қўлтиқтаёғини ерга тираб, эгардан тушгунича майиб оёғигина эмас, соғига ҳам зирқираб оғриқ кирди. Ўзининг қайсарлиги ҳам хийла бор-да. Шу пайтгача бир ҳафсала қилиб лоа-

қал ұша протез қуриб кеткурни қўйдириб олмади-я! Сал дармон бўларди-ку...

Чол дастаси лиқиллаб қолган эски ўроғини қунт билан қайради, оёғини узатиб ўтириб олди-да, секин ўришга тушди. Бўлиқ, барра ўт, «шир-шир» тушаётган енгил, қиличдек ўроқ унинг баҳри дилини очиб юборди. Пойида ҳали тонгги шудрингини тўкиб улгурмаган ўт-ўлан, гиёҳ-кўкатларнинг ҳавода гуркираган бир оз тахир, ўткир ҳидидан нафаси энтикиб, вужуди анчадан буён унутилган оромбахш бир ҳузурдан яйраб кетди.

Ёшлигида қандоқ ўрарди-я!

У маҳалларда ҳали ўзи ёш, билагида кучи, белида қуввати бор экан—ҳафталаб кечани-кеча, кундузни-кундуз демай чалғи тортганида ҳам на бир чарчаганини билар, на тир кичликнинг оғирлигидан зорланар эди.

Бўзанжарнинг нариги тарафидаги даштда колхознинг катта пичанзори бўларди. Ердан қор кетиб, баҳори буғдой қаричга келиб қолганида қишлоқдаги қимирлаган жоннинг ҳаммаси пичан ўримига кўчиб чиқар эди. Тоғ баҳори капалак умридек қисқа, елдек келиб, селдек ўтади: бир ҳафта кечиккан одам бир йил хашаксиз қолиб кетаверади.

Кўксен очиқ яктак кийган, якка кифт йиғит-яланг қулочини кериб ҳавас билан чалғи ташлайди, новдадек ёш-ёш ўспиринлар гарам соясида жавдардан боғлиқ тугишади, кечки салқинни пойлаб қишлоқдан чиққан чоллар кигиз қалпоқни пешанага бостириб, ойдинда гимирсиган кўйи қўл ўроқ билан пичан боғлайди. Иккита шохни бир-бирига суяб, омонат ясалган чайладаги хуржуннинг иккала кўзида қўшқулоқ мўндилар серқатиқ, хуш-

таъм жўхори гўжага тўла. Қақраган томоқни хўллаб олиш учун бир кўтарасану битта хурмачани роҳатланиб қандоқ бўшатиб қўйганингни билмай қоласан...

Чол, оғзининг суви келиб, беихтиёр жилмайди. Хаёл қурсин, бирпасда одамни қайдан қайга олиб кетмайди-я!

У машаққат билан олдинга сурилди. Ростдан ҳам қариб қолибди шекилли, тўрт лаппа ўт ўргунча қора терга ботиб кетди. Ҳассаси билан қушқўнмас тиканни босиб қирқди-да, четга улоқтирди, сўнг яна ўришга тутинди. Тер томчилари тинимсиз ачиштираётган юзкўзига дон чиқариб қолган жавдар бошоқлари шарт-шурт урилиб баттар азоб берар, гулининг қипиқлари энгагига, жиққа хўл кўкрагига ёпишиб, гашили келтирар эди.

Қуёш тиккага кўтарилганча муаллақ қотди. Ўт-ўлан орасидан кўтарилаётган ҳовур кўзни тиндириб жимирлар, чигирткалар қулоқни тешиб юборгудек жон ҳолатда чириллар эди.

Чолнинг тили қуруқшаб, танглайига ёпишиб қолди. Қани энди бир пиёлагина сув бўлса! Пастда шарқираб ариқ оқиб ётибди-ю, ундан ичиб бўлмайди-да: сув чўчқахонадан айланиб келади. Ўзи ҳам ё эрта эмас, ё кеч эмас, қоқ қизиқ туш пайтида келибди-да.

Ўтириб ўриш жуда ноқулай эди. Ҳадеб олдинга энкаяверганидан чолнинг кўкрагида оғриқ турди. Ҳафсала билан қиртишлаб, чўкирттак тиканларни бирма-бир териб ўтиргани учун иши секин унмоқда эди. Майли, ҳечқиси йўқ, кўпи кетиб ози қолди. Яна беш-олти боғ ўрса бас... Аслида нариги бетга ўтса бўлар экан. У ёқда ўт ҳам қалин, бирорта ше-

рикми, ё дала қоровулими учраб қоларди. Қарашиб юборармиди...

Чол афсус билан бош чайқади-да, ўзининг хаёлидан кулгиси қистади. Шу жазирамада қайси бир миясини еб қўйган одам дўзах бўлиб ётган тўқайга келарди?

У нафасини ростлаб орқасига қаради, эгар ёнига боғланган қозоқи жун арқонга кўзи тушиб, бирдан юрагида ваҳима турди: қандоқ ортади?!

Чол бу нарсани ҳали ўйламаган экан, тўсатдан эслаб оёқ-қўли бўшашиб кетди. Шунча ўтни ўриб, уюб ташлабди-ю, ортиш-чи?

Жавдираб атрофга аланглади: ҳеч зоғ йўқ. Сароб ҳалқалари жимир-жимир титраб ётган бийдай далада ёлғиз чигирткалар зорланиб чириллайди. Ҳатто қари эшак ҳам мўр-малахдай ёпишган хира пашшаларни ҳайдашга эриниб, бошини осилтирган кўйи тошдай қотган. Чол анча вақт хаёли тариқдек сочилиб, шу алфозда паришон ўтирди. Ниҳоят, сал ҳушини тўплаб, ўзига далда берди: қани, аввал йиғиб-боғлаб олсин-чи...

Шу фикр юрагига қувват бўлиб, шоша-пиша ўрган ўтларини боғлашга киришди. Боғларни ерга ёзиб, ўрнидан қўзғалди-ю, оғриқ зўридан ихраб юборди; бели тарашадек қотиб қолган эди. Ўнг қули билан хийла вақтгача умуртқасини уқалаб ўтирди, оғриқ бир оз босилгач, яна сургалиб, боғларни бир жойга йиға бошлади.

Қуёш ҳануз аёвсиз олов пуркар, кўйлак-иштони, оқ сурп яктаги тердан жиққа ивиб, баданига ёпишиб кетган эди.

Чол ўтни боғлаётганида айниқса қийналиб

кетди. Боғ ихчам чиқиши учун ўнг тиззасининг кўзи билан сиқиш керак, у эса эвини қилолмай, ҳаккалаб сакрарди. Назарида, ўтириб боғлаш маъқулдек туюлди. Аммо ерга ўтирганида ўт уюми баландлашиб кетди-да, боғлиқнинг нариги учини топгунича хуноби чиқди. Боғлиқни бор кучи билан тортди, лекин боғ ҳамон беўхшов ҳурпайганича қолаверди. Чол боғлиқ тушиб кетмасин, деб бир учини тишлаб олди, бутун кучини тўплаб, иккала тирсаги билан ўтнинг устидан босди. Бўйин томирлари ўқлоғидек бўртиб, юзига қон тепди. Тер, қичитқи ўт тегиб ачиштирган билаклари, тирсакларининг кўзи туз сепгандек ловиллай бошлади.

Биринчи боғни боғлаб бўлгач, унга елкасини тираб, аста тин олди. Ҳорғинликдан бармоқлари билинар-билинмас титрарди.

Хаҳ, ўтиб кетган ёшлиг-а! Бир умр қиматини билмаган нарсангнинг қадри шундай пайтда билинар экан-да!

Чол хўрсиниб, жиққа ҳўл оқ чит рўмоли билан бўйнини, пешанасини артди. Яна ишга киришди. Иккинчи боғни, негадир унчалик қииналмай, осонгина боғлади.

Аллақаёқдан адашиб келиб қолган гармсел тўқай ичида бирпас гангиб юргач, сўнг қайгадир ғойиб бўлди. Чол боғларнинг тагидан арқон ўтқазиб, бир-бирига маҳкам танғиди, кейин ўтириб тағин дам олди. Ташналик юрагини чўғ каби куйдирар эди. У қақроқ лабларини қимтиганча бирор кимса келиб қолармикан, деган умидда бўйнини чўзиб, баҳайбат, темир симёғоч қаққайган тепалик этагидаги йўлга термилди. Ҳув нариги бетда, Шувар устидаги адир ортида кўздан йўқола-

диган катта йўлда, машина ўтиб кетган шекилли, элас-элас чанг оқариб кўринади.

У кўзини юмди, қорни қулдиради. Шунда ўзининг қаттиқ толиққанини, кўнгли беҳузур бўлаётганини пайқади. Эшагини етаклаб, пастга тушаркан, ёнбошдаги катта-катта икки боғ ўтга қараб, дили ёришди: мана, ҳали шунча ишга қодир экан-ку! Худо хоҳласа, ҳозир амаллаб ортиб ҳам олади; кейин эшагини диконглатиб уйга жўнайди; Нишонхўжанинг боғи олдидан ўтаётганда атай! «Ассалому алайкум!» дейди. Бир эсхонаси чиқиб кетсин!..

Чол эшагининг айилини тортди, юкнинг ёнига яқин тақаб тўхтатди.

—Иш-ш...—деди эшакнинг бўйнига шапатайлаб,—бирпас тек тур, жонивор.

Ўзи эса танғиб қўйилган ўтга разм ташлаб, хавотир аралаш ўйлади: «Кучим келармикан?»

У қўлтиқтаёғини ерга маҳкамроқ тираб, гавдасини олдинга эгди, юкни секин қимирлатиб кўрди. Уҳ-ҳу, тегирмон тошидек зилзамбил-ку. Ишқилиб, эшак юриб кетмаса бўлгани...

У бир боғни иккинчисининг устига кўтариб қўйди, гавдаси яна ҳам пастга букилиб, қўлини жун арқон орасидан ўтказди, кейин:

—Ё пирим! — дея орқага шартта силтандида, юкни ердан даст узиб, эгарни мўлжаллаб ташлади. Оёғи, қўлтиғининг таги зирқираб, кўзидан ўт чиқиб кетди-ю, шу лаҳзанинг ўзида бир четга учиб тушди.

Ўзини ўнглаб, тепага қаради. Қаради-ю, аламидан «дод» деб юбораёзди: лаънати эшак

юриб кетган экан—иккала боғ ҳам айқаш-уйқаш бўлиб, тўрт қадамча пастда, сув ўпқини ҳосил қилган чуқурда думалаб ётарди!

Чол пешанасидаги терни сидириб, чакка томирларининг гурс-гурс лорсиллашига қулоқ солганча, хомуш ўтириб қолди. Бели, умуртқаси қақшаб оғрир, юз-кўзи, қўллари ловиллаб ёнар эди. Не машаққат билан ўрган эди-я...

Нишонхўжанинг кулгидан тиржайган ялпоқ башараси унинг кўз ўнгида жонланди. Чол титраб кетди. Қариган чоғида...

Йўқ, у бунчалик анойи эмас. Ҳали ўзининг кимлигини ўша Нишонхўжага ҳам, бошқаларга ҳам кўрсатиб қўяди! Номус кучли, жони шу ерда узилиб кетса узилиб кетадики, барибир ортади!

Чолнинг қайсарлиги тутди. У табиатан ҳалимдай юмшоқ, беозор, аммо жаҳли чиққан кезларда тутганини кесадиган, «кўр ўжар»га айланар эди.

Яна юқорига сургалди. Эшакнинг оёғи тагида ётган қўлтиқтаёқни олиб, унинг бош-кўзи аралаш бир-икки солди:

—Итвачча! Ҳароми! Итдан тарқалган!—У бутун аламини эшакдан олмоқчи каби қизариб-бўзарганча бақирарди. Сал ҳовуридан тушгач ўтга суяниб, бир оз дамрон тўплаган бўлди. Чакамуғ, девона пайтава, эски янтоқ қоплаган чуқурдан боғларни битта-битта судраб чиққунча ҳалқуми қуруқшаб, кўз ўнги қорайиб кетди. Бирдан қулоқлари шангиллаб, мадорсиз ўтириб қолди, кейин яна эшакни пастга етаклади.

—Жим тур, падар лаънат, нақ қимирланган ўласан!—Кўзларини олайтириб, пўписа

қилди у. Эшак эса парвойи фалак, бир пиш-қириб, думини ликилллатиб қўйди.

Бу сафар шошмади, юкни азод кўтарганча эгарни мўлжалга оларкан, худди чўкаётган одам талвасада фарёд солгандек:

—Иш... иш... иш... дейман, иш, ҳароми, иш! —дея тинимсиз бақирарди. Аммо эшак эшаклигини қилди—юриб кетди. Чол жон аччиғида бир қадам олға ташлади, қўлтиқтаёқ ерга қулади. Шунда ўнг биқинида ногаҳоний оғриқ сизди. Назарида, кимнингдир кўринмас қўли қовурғалари остига ўткир бир тиғни санчиб-суқиб олмоқда эди. Бор мадорини тўпладию, юкни эшак устига улоқтирди...

Бу гал оппоқ гуллаб ётган ковул устига чалқанча йиқилди. Кафтлари, кураклари зирапчага тўлиб ачишаётганини пайқаса-да, тишини тишига босди. Кўзини очиб қарашга қўрқар эди. Ниҳоят, тескари ўтирган кўйи ёнига разм солди: эшак анча нарида ўт чимдиб юрар, боғлиғи узилиб, арқондан чиқиб кетган ўт ер билан битта сочилиб ётар эди.

Негадир, энди чолнинг на эшагидан жаҳли чиқди, на қўрқув босди, аксинча, қалбини совуқ бир хотиржамлик ҳисси буткул қамради, ўзини гўё туйқусдан уйғониб кетгандек ҳис этди-да, вужудига ўжар, айна пайтда мардона бир туйғу ҳоким бўлиб олганини, энди унинг измидан чиқиш асло мумкин эмаслигини теран англади. Шундан кейин дилида алланечук бардамлик сизди, шилиниб кетган оёққўлларининг зирқираши ҳам босилгандек туюлди. Ён-верига кўз югуртириб, ҳассасини қидирди.

Кун пешиндан оққан, қуёшнинг забти па-

сайган эди. Туя ўркачига ўхшаш суйри адирлар этагига тўшалган соялар тобора узая бошлади.

Чол ҳамон сургалиб юрар, сочилган ўтларни сабр-тоқат билан бир жойга йиғар, боғлар ва ўзини, худди шу ишларни қилмаса, қолган беш кунлик умрида муҳим бир нарса етишмайдигандек ҳис қилар эди.

Қош қорайиб, ҳорғин қуёш уфқнинг бағрини доғлаганча бепоён замину бўйсунмас одамларга маънос термилган кўйи ботиб бораркан, тишлари маҳкам қисилган, ўзи сингари қадимий даласида ҳануз куйманиб юрган жонсарақ бир чолга қараб бош чайқади.

...Тўртинчи бор, ниҳоят, унинг омади келди. Эшак жойидан жилишга улгурмай, тўсатдан устидан қандайдир оғир, ҳўл юк таппа босиб тушди-да, кўзларини ҳам бекитиб қўйди. Эшак гандираклаб, оёқлари чалишиб кетди.

—Ортдим-ку! Барибир ортдим-ку! Ахир ортдим-ку! — Чол қўлларини беўхшов саланглатганча кимсасиз, қувдай далани бошига кўтариб, шодон қичқирарди.

Сўнг қалт-қалт титраб, оёғидан мадор қочди-ю, ўзини юзтубан ерга ташлади. Димоғида туяётган ўт-ўланларнинг гуркираган иси ва ғалаба нашъасидан маст бўлиб, бағрини намхуш тупроққа бериб ётаркан, энди Нишонхўжанинг боғи олдидан бошини баланд кўтариб ўтажагини, кўзларидан тирқираб оқаётган ёш томчиларини ҳеч ким кўрмаслигини ўйлаб, еру кўкка сиғмас эди...

ЧАЙЛАДАГИ ТҮРТ ЭРКАК

Улар икки ҳафтадан буён яйдоқ Яйилма далаларида картошка кавлашарди.

Кечқурун ҳаво очиқ эди, ётиб қолишга қарор қилдилар.

Ер чўкиб, тарс-тарс ёрилиб кетган тақир дўнгликда пастак қамиш чайла омонат қўнқайтирилган. Тепасига брезент тортилган чайла ёнида ўчоқ; тезак уюми, дастаси синиқ кетмон, эгар-тўқим, жағи йиртиқ бир пой этик, солярка тўлдирилган вино шишалари, нўшпиёз, тарвуз пўчоқлари сочилиб ётибди. Қозон устидаги қоғоз қопнинг бир учи куйган, қорни пачоқ оқ бидон оғзига қурум босган қопқора човгум тўнкариб қўйилган.

Чайладан сариқ қалами шим кийган калласи катта, пакана, ғўлабир йигит коса кўтариб ташқарига чиқди. Ивирсиб ўчоққа ўт қалади-да, челақ олиб пастга—Хонариққа тушиб кетди.

Ҳўл тезак тутай-тутай қизигач, гуриллаб ёнди.

Қош қорайди. Кун ботарда бир муддат чўғдай яллиғланган шафақ аста-секин сўнди. Оловнинг югурик қизғиш тиллари атрофга сапчиб, лип-лип соя ташлай бошлади. Бирпас-

да қоронғилик чўккан дўнглик этагидаги картошказордан кимдир хириллаб бақирди:

— Ҳў, Тўлавоё! Бугун пишадими?!

Учоқ тепасига энгашиганча «жаз-биз» қилаётган йигит капирни қозон устига кўндаланг қўйиб қичқирди:

—Келинлар-ов! «Қартопелний пуйре» га-топ!

Картошкаси ковланиб, шудгор очилиб қолган пайкалдан олдинма-кейин судралиб учта кўланка ўчоқ бошига чиқиб келди. Гавдаси тикмачоқдек, чўяндай қоп-қора Наби салмоқланиб қадам ташлар, ўртада қоп орқалаган Студент, энг орқада қўллари белига қўйган кўйи ерга энгашиганча дароз қаддини букиб Асом бува келар эди.

—Ҳорманлар энди!—деди Тўлавоё тутундан ачишган кўзларини ишқалаб.

—Саломат... Уҳ...—Асом бува бора солиб, эгарга ўтирди-да, қамиш деворга суянди. — Қизталоқ иш чарчатди-ёв одамни.

Студент қопни чайлага қўйиб чиққач, шоша-пиша кўк пахталигини ечди, атрофдагиларнинг ҳай-ҳайлашига қарамай, бидондан бир чўмич сув олиб ичди.

—Қағғ! Қағғ! Қағғ!..

Уттиз одим чамаси нари тепаликдаги бесўнақай қаққайган темир симёғочда қатор тизилган уч-тўрт қарға бир-бирига гал бермай қағилларди.

—Ҳў, миянг қайнамай ўл!—дея ўшқирди Наби ўша тарафга хўмрайиб.

Асом бува ташвишланиб осмонга тикилди:

—Ҳавога тағин булут чиқибди. Яна бир балони бошламаса гўрга эди...

—Ва-а, онасини эмсин, бу йил карчикани

кавлолмай қор тагида қолиб кетарканмиз-да,
—деди Тўлавоё бурнини тортиб.—Парво қил-
манг, Асом бува, шўтда қишлаймиз қўямиз.
Кўкламда қазиб олармиз.

—Бу йил қийғиракдан аввал куз тушди, а,
Асом бува?—Наби бидон устига оғир чўкди.

Асом бува оғзидаги носни туфлаб, мужмал
жавоб қилди:

—Худойимдан ҳам айланай... Жа қаҳрига
олворди-ку. Кунора ёмғир-а, э, тавба! Муна-
қада тирикчилик бўладими?

—Пахтани айтинг, пахтани!—Тўлавоё қо-
зоннинг қопқоғини ёпиб, ўрнидан турди.—Бу
йил планниям тўлдиролмас экан.

Индамай сигарет чекиб ўтирган Студент
танглайини такилатиб, сўз қотди:

—Пахта бўлади-ю, терилмай қолармиди?

—Бажара олармикан-а?—деб сўради На-
би унинг оғзига тикилиб.—Бу... тинмай ёға-
версаям-а?

—Ҳа, техникани нима деяпсиз?

—Ҳм, техника эмиш... Шудгорнинг атала-
си чиқиб ётибди-ю. Қани, «зангори кеманг»
жойидан қўзғалсин-чи!

—Нима бўпти? Одам қайси техникадан
кам?

—Тоза бошларинг оғримаган-да,—Асом
буванинг тажанглиги тутди. — Оғир-енгили
санларга тушдими? Экканлар терволар бир
бало қилиб. Қарчикангни ўйласаларинг-чи...
Кўкламда бу ҳожим раисга айтдим: «Ҳой,
Миртолиб халтанинг ўғли, бу ер халқоб, бўл-
майди карчикага», дедим. Қаёқда!

—Ўрда-қирда, дедим. Қаёқда!

бу йил,—дея салмоқлаб хулоса чиқарди Тў-
лавоё.—Қани, киринглар, овқатни сузаман.

Наби ичкарига кирди-да, қоронғида тимирскиланиб бурчакдаги ўнинчи чироқни топиб ёқди. Чайланинг ичи ғира-шира ёришди. Тўрға йиғилган ўрин-кўрпа устидаги чойшабда тепага осилган халта-хулталарнинг сояси пайдо бўлди. Пойгакда, идиш-товоқ қалашган бурчакда керосинка милтиллар, унинг заиф шуъласида қамиш деворнинг шох-шаббалари орасига қистириб қўйилган уч-тўртта моғорлаган нон, пичоқ, газета парчаси оқариб кўринар эди.

—Вой, жоним-эй!—Асом бува доғ босган, ислиқи наमत четига ўтириб уҳ тортди.—Чарчабман.

Чой дамлаётган Студент унга ачиниш билан тикилди.

—Саттор акам келган экан-ку, бир-икки кун қарашворгин, демабсиз-да?—деди у секин.

Саттор—Асом буванинг ягона фарзанди. Мотоцикл билан бир болани босиб кетиб, икки йилга ҳукм қилинган, аллақерда жазо муддатини ўтамоқда эди.

Наби узала тушиб ёнбошлаганча нон кавшаб илжайди:

—Бе, Сатторга иш десанг, лабига учуқ тошади-ку... Ишга териси юпқароқми, а, Асом бува?

Чолнинг чўзинчоқ, сарғиш юзи қизариб, кўк кўзлари чақчайди:

—Сатторқул бизни куйдирворди-ку... Якка ўғил, кўнглига қараб... Ичкиликни орқасида... Мана, сан юрибсан-ку азбаройи додангни қиймаганингдан,—деб Студентга юзланди у.—Бу хомқайиш, иккитанинг отаси-ю, одамга тариқча ачинмайди... Майли, ишқилиб, омон бўлсин.

Жимлик чўкди. Чайланинг тепасида нима-дир шитирлади.

—Ҳали ёш-да, эси кириб қолар,—дея ўзича юпатди Наби.

—Ўзи шу: бой боласи ўн бешида бош бўлади, камбағалнинг ўғли ўттиздаям ёш бўлади.—Асом бува сўкина-сўкина этигини ечди.—Қани, ҳей, чойингдан қуй.

Қатта сопол лаганда буғи чиқиб турган картошка қовурдоқ кўтариб Тўлавоё кирди.

—Боплаб ташладим, «картопелни пуйре»ни. Қани энди, бунга яримта бўлса!—деди у кўзлари қисилиб.

—Оҳ-оҳ...—Наби оғзининг таноби қочиб иршайди.

Ҳазил-ҳузул билан овқатлана бошладилар.

—Ашулани қўйсаларинг-чи,—деб қолди бир пайт Наби.

Студент ўрнидан турди-да, бурчакка суяб қўйилган қоп устидаги кичкина транзисторнинг қулоғини буради. Қитир-қитир товуш чиқараётган тембр тўлқинлари орасидан аёл кишининг паст овози эшитилди:

«...ўтар кечаси Исроил қўшинлари яна Иордания чегарасига ҳужум қилдилар... Кучли артиллерия отишмаси оқибатида...»

Лагандан қўл тортиб, диққат билан қулоқ солиб турган Асом бува ғижиниб бош чайқади.

—Тавба, хунасаларни урушдан бошқа дарди касали йўқми, а? Одамлар буғдой экиб, пахта экиб, деҳқончилик қилса, бу қизталоқларнинг деҳқончилиги урушми, дейман-да!

—Э, нима деяпсиз, Асом бува, булар ўликнинг ёғини сотиб пул топади, ҳа! Одамнинг соддаси сиз билан биз, юрибмиз-да кет-

монга лақиллаб...—дея гапини маъқуллади
Тўлавоё оғзини тўлдириб.

Асом бува қўлини кир сочиққа артиб, чой
хўплади:

—Дунёдаям юрт кўп экан-да. Ҳар отлари
борки, айтаман десанг тилинг қавариб кетади.
Ёрданио дейдими-ей, Қўйтикан дейдими-ей...

Студент кулиб юбормаслик учун лабини
маҳкам қимтиди: «Қўйтикан... Ватикан дегани
шекилли».

—Бу... ўшалар ҳам ўзимизнинг Заркат,
Сўқоққа ўхшаган жойлар бўлса керак,—дея
кипригини пирпиратиб, тусмоллади Наби.

—Буям районми, областми, бир нарса-да,
а, Мирсобит?—деб Студентга юзланди Тўла-
воё.—Бизга қарайдими?

—Йўқ,—дея бош чайқади Мирсобит ички
бир надомат билан.

—Ҳа, емайсанми?—деб сўради Наби унинг
қўл артаётганини кўриб.—Э, олсанг-чи.

—Тўйдим. Биласиз-ку, биз пулга овқатла-
навериб, чимхўр бўлиб қолганмиз, ҳэ-ҳэ...

—Қил ичак экансиз, Мирсобит, емадингиз-
ку?—деди Тўлавоё кавшанганча.—Жа, усту-
дентларга қийин экан-а, ҳаммасиям шунақа
нон емасми?

—Ўқиш осонми санга?—уҳ тортди Асом
бува.—Бечора устудентлар юраверар экан-да
ранги сарғайиб...

Мирсобитнинг гаши келди:

—Сиз айтган студентларнинг даври ўтиб
кетган. Ҳозиргилар дўпписи тушиб кетса, пул
бириб олдиради.

«Энди дилрабо қўшиқлар, ёқимли куйлар
тинглаб дам олинг, азиз дўстлар», деб эълон
қилди диктор.

—Ҳозир «кўрпача»ни беради, мана кўрасизлар!—деди кўзларини ўйнатиб комил ишонч билан Тўлавоё.

Икки-уч дақиқадан сўнг чийилдоқ аёл овози бетайин нақоратда айлана бошлади: «Солдик кўрпача... кўрпача... кўрпача!..»

Ҳамма кулиб юборди.

—Биз ҳам салкам авлиё!—Тўлавоё сохта гурурланиб, бошини кўтарди.

—Буларниям топган дастмоеси нуқул ашула экан-да!—Асом бува қалампир чайнаган каби афтини бужмайтирди.

—Нима бало, Асом бува, нервинниймисиз?

—Бунни эшитаверсанг сан ҳам нервинний бўп қоласан. Қизталоқлар, ҳатто об-ҳавони рост айтмайди-ю!..

Чол қўл силтаб, инқиллаганча ўрнидан турди-да, таҳорат олгани ташқарига чиқди. Тўлавоё эринибгина идиш-товоқни йиғиштиришга тушди.

—Қани, ётамизми?—деб сўради Наби тиш ковларкан.

—Дарров-а?—Мирсобит қошини норози чимирди.—Ҳали эрта. Ошқозон касал шундан-да.

Наби сап-сариқ тишларини кўрсатганча оғзини катта очиб эснади:

—Одам чарчади-ку,—деди,—ҳа... сан тошканлик...

Мирсобит индамай илжайди.

У кўнгли эриб, беихтиёр Тошкентни, неон чироқлар шуъласига чўмилган хаёлкаш хиёбонларни, институтнинг беғам кулги тўлдирган нимқоронғи йўлакларини... эслади ва Дилоромни соғинганини, уни жудаям кўргиси келаётганини ҳис этди.

«Дилором мени шу аҳволда учратса...— деб ўйлади у уст-бошига назар солиб.— Танирмикан? Жуда қизиг-а... У, дунёнинг аллақаерида бир умр шундай тирикчилик қиладиган одамлар борлигини ҳатто тасаввур ҳам этолмаса керак».

У ташқарига чиқди, муздек ҳаводан энтикиб-энтикиб симирди. Қора совуқ тушган, изғирин изиллайди. Юлдузларни ютиб-юборган осмон қоп-қора.

Асом бува елкасига чопон ташлаб пастдан чиқиб келаркан, алланарсага қоқилиб кетди-да, тўнғиллаб сўкинди: «Э, онангни...»

Чайлага киргач, чол феъли айниб яна минғиллади:

—Хаҳ, ўзбекнинг кўрган куни қурсин! Эшакдай ишлаб-ишлаб дунёни тўплайди-да, қай гўрдаги бало-баттарларга сокуради. Уй соламан, тўй қиламан... ишқилиб, ўлгунча талваса-да...

—Жаҳонда зап яшашни биладиган одамлар бор,—деди Наби музлаб ётган кўрпа қатига шўнғиб.—У, биз-да, ўзи... Ҳозир бировга юз сўм берсанг ҳам шу ерда ухламас!

Чироқни ўчиришди. Анчадан кейин Асом бува:

—Ҳў, Тўлавоё! Халадўлник бўп кетди-ку қапа ўлгур,—деб тагин ғингшиди,—ҳеч оёғим нсимаёпти. Анави эшикни ўрнига бир нарса тутсанг-чи...

—Нима тутаман?

Ён-атрофдан ғувиллаб совуқ кирарди. Тўлавоё пайпаслаб, бир бурчакдан увода шолча парчасини топди-да, эшик ўрнига тутаркан:

—Чинмилдиқлар муборак!—дея ҳиринглаб кулди.

Чайланинг ичи барибир исимади—тўрт томондан ғўриллаб совуқ урарди.

—Қотиб қоламизми, нима бало?—Асом бува ўрнидан туриб ўтирди. —Падарига лаънат...

—Жуда қизиқсиз-эй, Асом бува,—Наби пихиллаб гап қўшди,—сизга нима азоб ўзи, агаратга келиб? Ётмайсизми, қоринни силаб...

—Ҳа, ётасан-а, ётасан... Иккита нонни биров берадими, а? Ишламай бўпсан!

—Ишдан одам ўлмаган.

—Тўғри, лекин... Тирикчилик. Қелмасанг—яна бўлмайди. Ўзингдан қолар гап йўқ: Сатторқулни уйлантирганимда уч минг қарз бўлганман, икки минги ҳали шундоқ турибди. Дам ол, деб айтишга осон. Бошингга тушмагунча гапираверасан-да!

Чол жавраб-жавраб, ниҳоят, жим қолди...

Эрталаб Тўлавоё «чимилдиқ»нинг бир четини кўтариб ташқарига қаради-да, кўзини ишқалаб:

—Вой-бў! Му-у-у-з!—деб юборди.

Мирсобит кўрпадан бош чиқариб, секин мўраладию дилдираб кетди: ҳаммаёқ қор.

«Олам ям-яшил!» — деб ўйлади у қачонлардир ўқиган бир ҳикоянинг номини эслаб.

Асом бува жойнамоз устида ўтирарди.

—Иш ўлди,—деди ёнига қайрилиб,—карчика музлаб қолади энди. Кечаги ўттиз қопни бекор қоплаган эканмиз-да...

—Вай, онангни, ҳаво очиқ эди-ку...—Тўлавоё дир-дир титраб кийина бошлади.

—Ман кечаси эшикка чиққанымда қор энди мушук изи бўлган эди,—чол ўрнидан қўзғалди.—Азонга томон ёғибди-да.

Кейин пишиллаб ухлаб ётган Набининг елкасига туртиб:

—Эй, Карим афандининг невараси, турмайсанми? — деди. — Худди додангга ўхшайсан-а!

—Додаси нима қилган?—дея сўради Мирсобит қизиқсиниб.

—Э, додаси жуда бир содда, ювошқочагон одам бўлган. Карим афанди лақаби... Бир замонда бозорга карчика обориб сотган экан. Сотибди-да, ўттиз килочаси қолганда ўтмабди. Қопдаги карчикани устига пулни солиб уйга жунабди. Йўлда биров: «Сотасанми? деса: «Сотаман», дебди. «Қанча?» «Ҳа, фалон пул». «Ма, фалон пул. Қопингням бера қол?» деса, «Ҳа, олавер!» дебди. Шунақа қилиб, карчикадан ҳам, пулдан ҳам айрилган экан.

Мирсобит яйраб кулди: «О, одамнинг анойиси!»

—Турларинг, ҳув баллар, «картопелний пуйренг» кўнгилни оздириб юборди,—деди Асом бува ташқарига чиқаркан. — Чой-пой қайнатинглар амаллаб.

Изғирин аралаш шитирлатиб ёгаётган қуруқ қор юз-кўзга игнадек санчилади. Қартошказор ўртасида тахлаб қўйилган қоплар қорайиб кўринади. Қора қаргалар чарх уриб, шодон қағиллайди. Чайла олдидаги совуқ қақшатиб кетган икки-уч туп маккажўхорининг ялағоч пояси эгилиб қолган.

Асом бува кавушига қор тўлиб, ичкарига қайтиб кирди.

Чойдан кейин чол «кетаман»га тушди.

—Энди уч кунсиз бир иш бўлмайди,—деди этигини кияркан. — Қетдик. Чайлани бўри емайди.

—Қарчика-чи?

—Нима қиларди карчикага? Турар...

—Яхлаб қолади, Асом бува,—пиёладаги чойга нон тўғраётган Тўлавоё ялт этиб унга қаради.—Бирор иложини қилиш керак.

Нима қилардик? Ё машина, ё трактор топилмаса... Бўлгандаям ҳозир шудгорга кириш ўлимдан қийин. Бу боқибегам бригадирдан ҳам дарак йўқ.

—Қўрпаларни обориб ёпсак-чи?—Жонсарак бўлиб қолган Студент ҳаммага бир-бир тикилди.

Наби бош чайқади:

—Таги зах, бўлмайти. Чайлага олиб чиқиб, устини ёпсак—хайр...

—Уйлаб гапиряпсанми?—деб тўнғиллади Асом бува олайиб.—Бир километрдан опчиқиб бўладими? Ичагинг узилиб кетар!

—Бир иложини топиш керак-ку, ахир!—Тўлавоёнинг ҳам тажанглиги тутди.

—Э, ўт тушиб кетмайдими манга деса колхознинг карчикасига!—дея ўшқирди чол бўғилиб.—Уламанми энди! Оёғим синиб кетай деяпти, жоним ўзимга керак... Кетмайсанларми? Билганингни қилларинг!..

У шартта ўрнидан турди-да, чопонига ўралиб, чайладан чиқди. Бир оз букчайган, дароз гавдаси оппоқ адирлар ортида хиёл ўтмай ғойиб бўлди.

—Номард, уволни ўйламайти!..—Тўлавоё жиғибийрони чиқиб, чолни сўкди. — Бизнинг жонимиз темирми?

Хийла тортишув, маслаҳатлардан сўнг, қопларни чайлага олиб чиқишга келишдилар.

Оғзига палак қўйиб тикилган катта сариқ қопни биринчи бўлиб Наби орқалади. Тўла-

вой билан Мирсобит инқиллашиб аранг елка-сига қўйган қопни озод кўтариб, бамайлихотир лапанглаганча тепаликка чиқа бошлади.

—Жуда бақувват экан-ку, — деди Мирсобит ҳавас билан.

—Э, хирси безанжир бу,—деди Тўлавоё ҳансираб.—Қани...

«Чайлагача уч юз одим. Қопнинг оғирлиги юз килограмм. Қопларнинг сони ўттизта. Уч юзга юз—баробар тўрт юз,—деб ўйлади Студент.—Оддий арифметика...»

Дастлаб ишнинг оғирлиги билинмади. Аммо учинчи гал...

Наби ва Тўлавоё муттасил шу хил ишларни бажаравериби пишиб кетишган, пишқирганча сир бермай қатнашар эди. Мирсобит бирпасда қора терга тушди. Чайлага ўттиз одимча қолганда тиззалари қалтирар, оёғини базўр судраб ташлаган қадами орқага қараб кетаётгандек туюлар, сирпанчиқ, ола-чалпоқ ер кўз ўнгида гир-гир айланар эди.

Бешинчи қоп унинг тинкасини қуритди. Оёғи тойиб, мункиб кетди-да, чап қўлига таянганча аранг қаддини ростлади. Нафаси бўғилиб, кўз ўнгини кўкимтир ҳалқалар қоплади. Сўнгра бор кучини тўплаб силкинди, қалтираб, икки қадам олға силжиди.

Тепадан тушиб келаётган Наби иршайиб кулди:

—Тирикчилик, бола-чақа боқиш ана шунақа оғир, Студент...

Жони ҳалқумида лиқиллаб турган Студентнинг фигони чиқди, тишларини ғижирлатиб қисди.

У сариқ қоплар қалашиб ётган хирмонга

имиллаганча яқинлашаркан, ҳар битта қоп кўзига бало-қазодай кўринарди. Кейин ичидан уҳ тортиб, елкасини яна юкка тутарди.

«Яшаш учун кураш баъзан шу қадар машаққатли бўлиб кетадики, бу талвасанинг номи ҳаёт эканига мутлақо ишонгинг келмайди», дея ўзича хаёлга берилди у ва шу заҳоти: «Шу пайтда фалсафага бало борми?!»—деб ўйлади энсаси қотиб.

Тушдан кейин қор тинди. Изғирин кучайди. Учиб-қўниб қағиллаб юрган қарғаларнинг қораси ўчди.

Қопларни чайлага жойлагач, устини ўраб-чирмаб, «чимилдиқ»ни тутиб қўйишди. Бир бурдадан суви қочган нон кавшаб, Хонариқ бўйига жимгина йўл олдилар. Мирсобит бўйинини қисиб борар, гардани муздек қотган, оёғи ачишган сайин бунга ўзининг гаши келарди.

Қатта йўл ёқасида депсина-депсина бирпас ўткинчи машина кутишди. Қор кўзни қамаштириб жимирлайди. Олтита сув насоси ўрнатилган котлован чуқуридан ўқтин-ўқтин тақиллаган товуш эшитилади. Бўй чўзиб қолган яланғоч, нозик терак ниҳолларининг учи кўзга чалинади.

—Шу ерга ким эккан бўлсаям, жа каллали одам экан,—деди Тўлавоё.

—Ҳа-а,—деб маъқуллади Наби,—шундоқ сув бўйи, кўм-кўк яшнаб ётса—жаннат бўлиб кетади-да...

Тўлавоё унинг гапини эшитмай, ўзича алланарсаларни ҳисоблади:

—Юзтаси бир сўмдан юз сўм, мингта бўлса икки минг сўм, ўҳ-ўҳ!.. Агар сарровга мўл-

жаллаб икки сўмдан сотса... икки минг деган гап. Нақд икки минг-а!..

Қор босган, битта-яримта янтоқ тиккайган пастак тепалик ортидан бўғиқ мотор товуши эшитилди.

—Машина келяпти,—деди Мирсобит йўталиб.

Икки дўнг орасидаги муюлишда мошранг «Виллис» пайдо бўлди.

—Раис-ку... Қаёққа кетяптийкин шу маҳалда?

—Шу... районга тушган бўлса, ҳойнаҳой, бирров хабар олиш учун бу ёққа ўтгандирда...—деди Наби чайналиб.

—Майли, ишқилиб, бизни олиб кетади-ку!

Машина юпқа муз қатламларини қисир-қисир синдирганча икки-уч қадам ўтиб тўхтади. Тўлавоёй секин эшикни очиб салом берди. Эгнида кўк драп пальто, салқи юзи бир оз шишинқираган, барваста гавдали раис лабига сигарет қистириб, алик олгандек им қоқди:

— Хўш?

Тўлавоёйнинг назари даставвал раиснинг оёғидаги топ-тоза, ялтиллаган хром этик учига тушди. Сўнгра унинг қора кўзойнагига, бардачок устидаги «ВТ» қутисига бир-бир қаради ва шоша-пиша ўзининг уст-бошига кўз югуртириб, хижолат тортди. Баданидан гупиллаб анқиётган ачимсиқ ҳидни раис сезиб қолишидан чўчигандек, беихтиёр бир қадам орқага тисланди, шашти қайтиб, довдиради:

—Шу... карчика шунақа бўлиб... яхлаб қолмасин, деб... ҳалиги... кетмоқчи бўп турувдик энди...

Раис ўзини суянчиққа ташлаганча ойнага тикилиб қилт этмай ўтирарди.

—Энди нима бўлади?—деб сўради томоқ қириб.

—Энди... Занжирли трактор бўлса, олиб чиқамиз **шудгордан**.

Раис оғир кўзгалиб қўйди.

—Ҳм... Бўлмаса йўқ, денг? Колхозники музлайверсин... Шунақами? Ҳа, бу, шунчалик экан, сал илгари ҳаракат қилиш керак эди-да! Ҳаммайиз юрдийиз бозорда, чаккайизга гул тақиб! Энди занжирлик трактор керак деяптилар...

Тўлавоё бирдан ранги гезариб, қуруқшаб қолган лабини ялади-да:

—Ҳеч ким ўйнаб юргани йўқ, Нажим ака, —деди секин.—«Вақтлироқ қазайлик», деганимизда ўзинглар рухсат бермагансизлар...

Наби ерга қараб индамай турар, аравага қўшилган от каби оғиз-бурнидан паға-паға ҳовур чиқарди. Студентнинг миясига гуп этиб қон урди.

«Ҳой, раис!—дея ҳайқирди у. — Сизда инсоф борми?! Биров ўлай деса, кўмай дейсизми! Қорни бу бечоралар ёғдирибдими? Табиий офат-ку бу!.. Хайф сиздек раҳбарга! Ҳе, ўша...—У раисни қаттиқ силтаб-силтаб ташлади. Раис қизариб-бўзарганча чурқ этолмади...»

Гуриллаган товуш уни ҳушига келтирди. Йингит хаёлий уйдирмасидан гижиниб, нари кетди.

—Ҳа-а,—дея раис чувак юз шофёрга юзланди,—қани...

Машина чайқалиб ўрнидан кўзгалди. Тўлавоё анқайиб, қўлларини шим чўнтагига тикқан кўйи бир оз серрайиб турди.

—Э, тавба!—деди сўнг бўғилиб. Чирт этиб ерга тупурди-да:—Қатта деган ҳам шунақа бўладими?—деб тўнғиллади.

—Бунинг отасини «Миртолиб халфа», дейишар экан,—деди Наби хомуш.—Кеча Асом бува сўкувди, «Миртолиб халтанинг ўғли», деб...

Улар сўкина-сўкина йўлга тушдилар. Шағал ётқизилган қатқалоқ йўл тепаликка ўрлар эди.

ҲАЁТ ЭРТАГИ

«Азизим Горацио! Дунёда ҳали шундай ишлар борки, кирмагандир тушда ҳам фалсафангизга!»

(Уильям Шекспир)

—Энди-чи, болалар, илонларни кўрамиз! Жим! Шовқинламанглар! Қани, Дилфуза, бу ёққа кел-чи! Чаққон-чаққон! Севар қани? Болалар! Илонлар чўлларда, саҳроларда, сувсиз жойларда асосан судралиб яшайдиганлардан ҳисобланади... Тоҳир, қафасга яқинлашма! Қайт! Ҳой, кимга айтяпман?..

Саратон офтоби аёвсиз қиздирарди. Ҳайвонот боғи қора-қура болаларнинг қий-чуви билан тўлган. Қўланса ҳид анқийди. Темир панжаралар атрофини зич қуршаб олган кичкинтойлар оғиз-бурнига дастрўмол тутиб гапираётган боғча опаларининг «чўлларда, саҳроларда, сувсиз жойларда асосан судралиб яшайдиганлар» ҳақидаги ҳикоясига мутлақо парво қилишмас, бир-бирларига гал бермай бақириб-чақирешар эди:

—Ву-йй, илонларни!

—Қоч, чақади!

—Жаҳонгир акам-чи, илондан сира ҳам қўрқмайдилар!

—Ҳе, ёлғончи! Илондан қўрқмайдиган одам бўларканми?

—Ана, кобра, ана, вуй-йй!

—Ма, ма, виш-ш!

—Бу боласи-я, Малика опа?

—Қайси бири?—боғча опа—ўн тўққиз яшар, думалоқ қиз Малика сал нарида этюдник қўйиб расм чизаётган баланд бўйли йигитга ўринча назар ташлади-да, темир лавҳага қараб изоҳ берди:—Бу кобра эмас, анаконда. Африка ўрмонларида яшайди. Айримларининг узунлиги ўн тўрт метргача боради. Ниҳоятда заҳарли бўлиб... Узоқ кетманглар! Қўлингни ол, Тоҳир! Ҳе, қулоқсиз!

«Қулоқсиз» Тоҳир, катта шалпанг қулоқли бола, бошини сарак-сарак қилганча панжарани тақиллатиб, илоннинг гашига тегмоқчи бўларди.

Рассом йигит қоғоз-қаламини йиғиштириб, болалар ёнига келди. Ингичка, қоп-қора мўйлов ярашган силлиқ мийиқларида кинояомуз табассум жилва қиларди.

—Қани, ўша қулоқсиз?—деди у тарбиячига тикилиб.—Қани? Бир қулоғини чўзиб қўяй...

Қиз сабабини ўзи ҳам билмай кулди.

—Булар сизнинг болаларингизми?—рассом қўлларини кўксига чалиштириб дарахтга суянди-да, дунёдан зериккан, ҳорғин кишидек намоёншкорона қиёфага кирди.

—Иҳм.

—Ҳаммаси-я? Бир ўзингизникими?

Қиз рўмолчаси билан пешанасидаги томчиларни артиб, тескари қаради:

—Нега унақа дейсиз? Бу... менинг группам.

—Ҳа-а...—йигит, мушкул аҳволда қолгандек, узун бармоқлари билан ясама жиддият қалқиган чўзинчоқ юзини сийпалади.

—Отинг нима?—деб сўради у оқ лента таққан пучуқ қиздан.

—Нодира.

—Сеники-чи?

—Пурқат,—деди кўзлари кўм-кўк, йўл-йўл шорти кийган бола.

—Маладес!—деб мақтаб қўйди йигит.— Сен-чи, тилла йигит?

—Манми? Мани отим Алишер,—дея киприкларини пирпиратиб бидирлади гилам дўпили бодом қовоқ болакай.

Рассом оламшумул ғуссага ғарқ бўлгандек, ошкора ғамгинлик билан бош чайқади:

—Одамларнинг ишига ўлгинг келади,—деб мингиллади у қизга қараб.—Ош ичгани идиши йўқ—итининг оти Маржон!.. Э, тавба...

Тоҳир югуриб келди-да, митти кўзларини йилтиратганча йигитга қизиқсиниб тикилди.

—Амаки, шер зўрми, йўлбарс зўрми?—деб сўради ҳовлиқиб.

Йигит кулимсиради. Боланинг қийшиқ қовундай бошини ҳомийларча силаб:

—Иккаласиям зўр, тойчоғим,—деди.

Тоҳир лабларини чўччайтирди:

—Иҳи, жа, биларкансиз! Иккаласиям зўр бўлса, қандай қилиб қафасга солишган?

—У, тойчоғим! Сенга нима десам экан? Бу... боғча опанг эртак айтиб бермаганми?.. Сираям-а?

—Айтиб берганла...

—Одамлар тўғрисида ҳам айтиб берганми? Йўқми? Тойчоқ йигит, шуни билиб қўйгинки, илонлар, чаёнлар, йўлбарсу тимсоқлар, ҳатто бегемотлар, анави тулкилар ҳам—одамдан кучсиз! Уқдингми? Энди бориб ўйна, менга халақит берма. Вақт бўлди!..

Йигит кескин бурилди-да, тез-тез юриб кетди. Тарбиячи қиз гап-сўзлари ғалати бу кимса ортидан анграйиб қолди.

Болалар бирданига чувиллаб юборишди. Малика шоша-пиша қафас ёнига яқинланди. Панжара эшиги тагида уймалашган болалар ҳалқасини ёриб олдинга ўтди. Ўртада пачоқ қора кастрюлька турар, ичида иккита сап-сарик жўжа тинмай чийиллар эди.

—Ҳой, жўжани ўлдириб тинасизларми?— дея бақирди кўк халат кийган қоқсуяк аёл қафас қулфига калит соларкан.—Болаларингизга қарасангиз-чи, синглим!

Маликанинг юраги шув этиб кетди. Болаларнинг қий-чувини сал тинчитгандек бўлди-да:

—Нима қиляпсиз, опа?—деб сўради товушидаги титроқни ютиб.

—Кўряпсиз-ку, нима қилаётганимни! — ходима хушламайгина жавоб берди. — Ҳайвонларнинг овқатланадиган пайти бўлди. Сиз ҳам ахир қўлингиздагиларни вақтида едириб-ичирарсиз?!

Сўнг япалоқ сопол товоққа челақдан сув қуяркан:

—Улсин, ярим соат кеч қолдим. Зубайда кўрса, тоза ғалва бўлади... —дея минғиллади.

—Вой!.. Ҳали жўжаларни илонга берасизларми?

Аёл ўзини эшитмаганга солди. Кастрюльки ердан кўтариши билан болаларнинг қий-чуви темир панжараларга сачради:

—Во-а! Илонга ташлар эканлар!

—Вуй-й!..

—Унақа қилма-анг, хола!

—Жўжаларни манга бери-инг!

—Уҳ, ана, оғзини очди! Ана, ана, вуй!

Кичкина Дилдор йиғламсираб «боғча опаси»га ёпишди:

—Маликапа-а, қаранг жўжаларни-и...
уҳм... уҳм...

Тарбиячи қиз, юраги зирқираб, ходимага илтижоли термилди:

—Опа... Бу, гўшт бериб қўя қолсангиз бўлмайдими?

Аёл индамади. Эшик тирқишидан жўжаларни олдинма-кейин қафас ичига ташлади. Чўзилиб ётган анаконда қимир этмади. Жўжалар бир бурчакка қисилиб, аянчли чийиллай бошладилар.

—Ҳой, хола!—Тоҳир ходиманинг этагидан юлқиб тортди.—Чиқарворинг жўжаларни!

Унинг қоп-қора юзи оқариб, бурун катакларни пириллар эди.

—Ҳо-о!.. Нега дўқ қиласан!—хола бобиллаб берди-ю, боланинг йиғлагудек бўлиб турганини кўргач, сал ҳовридан тушди.—Ўзи шунақа-да, болам. Бу дунёда ҳамма нарса бир-бирини еб кун кўради,—деб тушунтирди у панжара эшигини қулфларкан.—Агар илон жўжани емаса, эртага ўли-иб қолади, билдингми? Кейин сенга ўхшаган қоракўзларга биз нимани кўрсатамиз?

—Керакмас!—бола лабини чўччайтириб ўшшайди.—Илон керакмас...

—Ие! Ўғил бола ҳам шунақа бўладими? Ундан кўра, томоша қилгин. Жуда қизиқ: жўжаларни тириклигича... Ҳаппо! Худди торт еганлай...

Аёл кастрюлькани кўтариб нари кетди.

Анаконда ўлжасини сезиб, секин-аста қимирлай бошлади. Малика титрар, болаларнинг қий-чуви қулоғига кирмас, илон гўё юрагида ғимирлаётгандек, буткул карахт эди. Тўсатдан елкасига муздек алланарса текка-

нини ҳис қилди-ю, чўчиб орқасига ўгирилди. Рассом мўйловини ямлаганча қўлини унинг кифтига қўйиб турарди.

Хаёлларнинг янги қуюни
Банд этибди қизнинг ўйини...—

дея виқор билан ўқиди у. Қиз қош чимирди.

—Бошландими?—деб сўради йигит.

—Нима бошланади?

—Ҳаёт ва мамот. О, дарвоқе... Илтимос, гўдакларингизни бундан сал нари олиб турсангиз,—унинг бир зумгина қандайдир ишчан оҳангда янграган товуши яна ярим истеҳзоли, ярим намоёишкорона тус олди.

—Айниқса, менинг тойчоғимни... Биринчидан, уларни бу хийла совуқ манзарадан халос этасиз, иккинчидан, менга халақит бермасликларини таъминлаган бўласиз.

—Сиз расм чизмоқчимисиз?

—Йўқ, мен эртак чизмоқчиман.

Малика таажжубланиб елка қисди.

—Қани, болалар, юринглар, энди тўтиқушларни кўргани борамиз! Акром, Собир, Фаттоҳ!.. Қўйинглар, бунга қараманглар! Қани...

Болалар чуввос солиб, панжарага баттар ёпишиб олдилар. Илон ўлжа талвасасида оғзини карракдек очиб, ингичка тилини калдиратганча у ёқдан-бу ёққа бош тебратарди. Жўжалар унинг макридан тош қотган кўйи бурчакка сиқилиб, қимир этишмасди.

—Опа!—Тоҳир қаердандир калта хивчин топиб, югуриб келди.—Илонни ўлдирайлик! Мана, мана, ман тош опкеламан!

Қиз томоғига тиқилган алланарсани қулт этиб ютди:

—Йўқ, йўқ! Уларга тегиш мумкин эмас!
Юринглар, яхшиси кетамиз.

Боланинг кўзлари катта-катта очилиб кетди.

—Ие! Жўжаларни еб қўяди-ку!.. Болалар,
тош отинглар, тош!

Қафас ичига нўхатдек, мошдек тошчалар
ёғила бошлади. Илон безовталаниб, четга
сапчиди. Шовқин-сурон тобора кучаяр, бирор
нимани англаш мушкул эди.

—Жим-м! Жим бўлинглар! Тоҳир, бас
қил!—деб қичқирарди Малика. Аммо ўзи ҳаё-
лан шу тошларнинг бирортаси илоннинг ту-
хумдек силлиқ, чўзинчоқ бошини мажақла-
шини бениҳоя истарди. У нажот кутгандек,
ён-верига аланглади. Лип этиб болалар ора-
сида рассом пайдо бўлди.

—Тс-с-с!—деди у қўлини кўтариб.—Тўпо-
лон қилманглар. Бўлмаса ҳаммамизни ҳай-
даб юборишади. Уртани сал очиб қўйинглар.
Баракалла, шундай...

—Йўл беринглар, болалар, амакинглар
ҳаётнинг расмини чизсин...—беихтиёр киноя
қилди қиз.

Йигит ялт этиб унга қаради-да, такаббу-
рона кулди:

—Ташаккур. Лекин мен, ахборотингиз
учун, ҳаётнинг расмини эмас, ўзини чизаман.

Уларнинг гапига ҳеч ким эътибор бермас,
болалар қафасга тикилганча қотиб қолишган,
нигоҳлар жўжаларни авраб домига тортаёт-
ган илоннинг узун, совуқ танасига михланган
эди.

Қий-чувни эшитиб, қаердандир бояги аёл
етиб келди:

—Қани, ҳой, нари туринглар! Мушайт қил-
манглар! Боринглар, бошқа жойда ўйнаса-

ларинг-чи!.. Ҳайронман, қанақа болалар экан булар!

У жиғи-бийрони чиқиб болаларни тарқатишга уринаркан, Маликадан энсаси қотганини яширмади:

—Синглим, болаларингизга қарамабсиз, шунақа ҳам бўладими?! Илонни безовта қилиб қўйишибди, икки соатсиз тинчимайди энди!

Қиз унинг чағир кўзларига тикилди:

—Опа, шуни бошқа пайт... мумкин эмасми? Ахир, бу болаларга ёмон таъсир қилиши мумкин...

Аёлнинг юпқа лаблари пирпиради:

—Энди томошага келадиганлардан сўраб иш тутамиз, тузукми?—деди у секин, ўйиб оладиган оҳангда.—Эсли-хушли қизга ўхшайсизу ёш боланинг гапини қиласиз-а! Ҳамма нарсанинг ўз тош-тарозиси бор!

—Энди, опа...

Аёл гал бермади:

—У, сизнинг боғчангизда шунақадир: шўрлик болаларни ҳушингизга келган пайтда овқатлантириб... Худога шукур, бизда тартибқонда деган гаплар бор ҳали! Ҳой бола, қоч бу ёққа, нима ташладинг, а?

—Тоҳир-р!

—Худоё тавба! Тўртта болага сўзини ўтказа олмайдиганларга бутун бошли боғчаларни бериб қўйишади! Ҳайронман, сизларни нимага ўқитган ўзи?!—Маликанинг совуққонлиги аёлнинг баттар жаҳлини чиқарарди.

—Оббо, мунча...

—Ҳа, ёқмайдими? Ахир, мана ёзиб қўйибди-ку: ҳайвонларга овқат, у-бу ташлаш таъқиқланган, деб!

Малика ялинди, ёлворди, дўқ-пўписа қи-

либ кўрди, бироқ қафас атрофини қўршаган болаларни жойидан жилдира олмади.

Жўжалар бурчакка қисиллишиб чийиллар, анаконда эса тилини калдиратиб, мудҳиш бир қатъият билан уларни ҳануз таъқиб этар эди...

Ниҳоят, Малика болаларни алдаб-сулдаб, нари олиб кетди.

Жажжи столчалар теграсида ўтириб музқаймоқ еяётган болалар орасида Тоҳир кўринмас, «боғча опа»сининг кўзини шамғалат қилиб, ғойиб бўлган эди.

Бола қафас ёнига яқинлашганда, рассом скамейкада чекиб ўтирарди.

—Амаки,—деди ҳадиксираб.— Жўжаларни... еб қўйдими, а?

Иигит оғзидан кўкиш тутун ҳалқачаларини чиқариб, унинг елкасидан қучди:

—О, сен бўрини яхши кўрасанми?

—Йўқ,—бола қовоғини солди.— Қуённи. Жўжалар қани, амаки?

—Жўжаларми?—рассом бир зум тин олди.

—Жўжалар... учиб кетди.

—Қанақасига учиб кетади?—деди Тоҳир тумтайиб.—Ҳозиргина бор эди-ку?

—Хоҳласанг, сенга жўжаларни кўрсатаман,—деди рассом.—Анави қутичани олгинчи...—у қутичадан бир варақ қалин оқ қоғоз чиқарди-да, болага узатди.—Мана, улар.

Тоҳир расмдаги илонни дарров таниди. Бу бояги анаконда, фақат бўйни ҳандалакдек шишиб кетган эди.

—Вуй-й! Бунинг ангинаси оғриганми, амаки? — деб сўради у рассомнинг ҳорғин кўзларига тик боқиб.

Йигит жилмайишга уринди, бироқ лаб-лари бўйсунмади.

—Жўжалар мана шу ерда,—деди у кўрсаткич бармоғини илоннинг томоғига нуқиб.

Бола расмни скамейкага ташлаб ўрнидан турди. У бирданига «амаки»ни ёмон кўриб қолди.

—Сиз нега уни ўлдирмадингиз?—деб сўради у ерга тикилиб.

Рассом туфлисининг учи билан сигарета қолдиғини эзғиларкан:

—Нега дейсанми?—деди ва хиёл кулимсиради.—Эҳ, гўдагим... Шу расмни сенга бераман, хоҳлайсанми?

Тоҳир бош чайқади:

—Йўқ.

—Олавер, бир куни дунёда сен билан менга боғлиқ бўлмаган ишлар тўлиб-тошиб ётганини тушуниб олишинг учун керак бўлади. Уқдингми?

Бола индамади.

—Мана, тагига ёзиб ҳам бераман, эсдалик,—дея рассом қингир-қийшиқ ҳарфлар билан шоша-пиша: «Эртакка ишонгин, тойчоғим!» деб ёзди-да, унга узатди.—Ма. Айтмоқчи, ўқишни биласанми?

Тоҳир бурнини тортиб, танглайини такиллатди. Сўнгра бош кўтариб, хафақон оҳангда:

—Мен тайёрлов группадаман, ҳарфларни биламан, холос,—дея мингиллади.

Рассом узун, юмшоқ бармоқлари билан унинг пешонасини силади.

—Хечқиси йўқ, ўргатиб қўйишади. Энди хайр, боғча опанг қидириб юргандир.

Тоҳир орқасига қарамай йўлга тушди.

МУНДАРИЖА

Миркарим чол	3
Номус	9
Чайладаги тўрт эркак	28
Ҳаёт эртаги	44

На узбекском языке

ХАЙРИДДИН СУЛТАНОВ

СОЛНЦЕ СВЕТИТ ВСЕМ

Рассказы

Редактор **Н. Фозилов**
Рассом **Б. Хайбуллин**
Расмлар редактори **А. Кива**
Техн. редактор **М. Исмоилова**
Корректор **Ш. Соатова**

ИБ № 884

Босмахонага берилди 12. 02. 80. Босишга рухсат этилди Р 09139
Формати 70x90 1/32. Босмахона қоғози № 1. Адабий гарни-
тура. Юқори босма. Шартли босма л. 2,05 Нашр л. 1,86 Ти-
ражи 15000. Заказ № 234. Баҳоси 10 т.

Фафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент,
700129. Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси
ишлари Давлат комитетининг Бекобод шаҳар босмахонаси,
Бекобод, 1980.

Султонов, Хайридин.

Қуёш барчага баробар: Ҳикоялар. — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. — 56б.

Ер юзида турфа хил одам турфа хил ташвиш билан яшайди. Аммо кўҳна ва қадрдон қуёш уларнинг барчасига баф-баробар беминнат нур сочади.

Еш ёзувчи Хайридин Султоновнинг ҳикояларида шу ҳақда фикр юритилади. Муаллиф замондошларимиз—қишлоқ кишиларининг беором ҳаётини, уларнинг дарду қувончларини тасвирлайди.

Бу ниятнинг қай даражада рўёбга чиққанини баҳолаш эса сизга ҳавола, азиз китобхон.

Султанов, Хайридин. Солнце светит всем. Рассказы.

ББК 84Ўз